# Тошкент оқшоми

2012 йил 31 январь, сешанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 21 (12.082)

Баҳоси эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**

## МАҚСАДИМ — МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Миллий армиямиз такомиллашмоқда, ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллик, жанговарлик ва интеллектуал даражаси юксалмоқда. Айни пайтда ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи тобора ошиб бораётир.***

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддати ўн икки ойни ташкил этади. Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида олиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди. Бу Қуролли Кучлар сафларини ҳарбий хизматга ҳар томонлама муносиб ёшлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Чақирув комиссиялари фаолияти устидан жамоат назоратининг ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида улар таркибига жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари вакиллари киритилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбийлар учун жорий этилган қатор имтиёзлар тизими яхши самара бераётир. Армия мактабини ўтаган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда аъло натижаларга эришган, қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган собиқ аскарлар мамлакатимиз олий ўқув юртларига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилинмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг жойлардаги мудофаа ишлари бўлимлари ва бошқармалари ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 12 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ёшларни муддатли ҳарбий хизматга танлаб олиш ишлари изчил давом этмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролли Кучлар сафига муддатли ҳарбий хизматга чақириш йилда бир марта – февраль-март ойларида амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар Миробод тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи полковник Ҳусан Зуфаров. – Бу чақирилувчиларни сифатли танлаб олиш имконини беради.

Август ойидан бошлаб чақирилувчиларнинг шахсий ҳужжатлари билан танишмоқдамиз, маҳалла қўмиталари ёрдамида ҳар бир чақирилувчининг оилавий шароитини ўрганяпмиз. Бу жараёнда ким армияга чақирилиши керак, ким бунга лаёқатсиз, кимни чақиришни муайян вақтга кечиктириш лозим – мана шу жиҳатларни аниқлаяпмиз. Ҳозирги кунда чақирилувчилар тиббий комиссиядан ўтмоқда. Туман тиббий комиссиялари ҳар томонлама соғлом йигитлар сони ортиб бораётганини таъкидламоқда. Бу мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган аниқ мақсадли ишлар самарасидир.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан уч йўналиш бўйича ўтказилаётган танлов асосида йигитларни саралаб олиш ва тест синовларини ўтказиш тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тизим қуйидагиларни ўз ичига олади – чақирилувчиларнинг билим даражасини аниқлаш, бунда йигитларнинг мактаб таълим дастурининг мажбурий ўқув курсига киритилган предметларни нечоғлик ўзлаштиргани текширилади, уларнинг интеллектуал даражасини аниқлаш, бунда шахснинг асосий фазилатлари ва салоҳиятига эътибор берилади,шунингдек, чақирилувчиларнинг мавжуд шароитга мослашиш ва берилган юкламаларни бажара олиш қобилиятлари синовдан ўтказилади. Уларнинг жисмоний тайёргарлиги ва чидамлилик даражаси текширилади. Тест якунида тўпланган барча баллар умумлаштирилиб, шу асосда чақирилувчининг салоҳияти белгиланади.

– Ҳар бир йигит ўз Ватанини мардона ҳимоя қилиши керак, – дейди чақирилувчи Сарвар Нурмуҳаммедов. – Мен армияда хизмат қилиш учун узоқ тайёргарлик кўрдим, спорт билан шуғулландим, тестларга тайёрландим, олти ой Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида ўқидим, ҳарбий хизмат даврида фойдаланишим мумкин бўлган радиотелефонистлик билим ва кўникмаларини эгалладим. Мен ҳаёт мактаби бўлган армияда хизмат қилмоқчиман, ҳарбий хизмат ҳар бир йигитга катта тажриба ва билим беради, ўз кучига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Шуниси қувонарлики, пойтахтимизнинг мазкур туманидан армияга чақирилган ёшларнинг кўпчилиги жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда намунали натижаларни қўлга киритди. Мамлакатимиз олий ўқув юртларига кириш учун ўзлари хизмат қилган ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлди. Улар имтиёзли асосда ўқишга қабул қилиниб, ҳозирги кунда турли олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда.

2010 йилда Миробод тумани мудофаа ишлари бўлимида кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилиб, чақирув пункти тубдан реконструкция қилинди. Ходимларнинг самарали ишлаши, чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари учун барча шароитлар яратилди. Мазкур бўлим ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг мудофаа ишлари бўлимлари ўртасида ўтган йили биринчи ўринни эгаллади.

Ватанга бўлган муҳаббатни ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Халқимизнинг ўз Ватани тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида фидокорона хизмат қилаётган асл фарзандлари фаолиятида эса бу олий туйғу ҳамиша ёрқин намоён бўлади.

**Р.БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

**ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР:**

## «ЎЗБЕКИСТОН 2012 ЙИЛГА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУНОСИБ КЎРСАТКИЧЛАРИ БИЛАН КИРДИ»

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси юзасидан турли давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари мамлакатимизнинг хориждаги дипломатия ваколатхоналарига ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.***

Хусусан, **«Wider EU» компанияси (Бельгия) директори, таҳлилчи Жан-Франкуиз Ривалайн**нинг фикрича, Президент маърузасида баён этилган далил ва рақамлар жаҳон иқтисодиётида инқироз давом этаётганига қарамасдан, республиканинг изчил ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Ж-Ф.Ривалайннинг сўзларига қараганда, мамлакатда ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» туфайли шундай натижаларга эришилган. Ўзбекистон иқтисодиётида эришилган муваффақиятларни нуфузли халқаро молия институтлари, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки томонидан берилган баҳолар ҳам тасдиқлайди.

Экспертнинг эътироф этишича, Ўзбекистон ҳукумати 2011 йилда «Кичиқ бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этди. Унинг фикрига кўра, меҳнат бозори учун тадбиркорлик фаолияти билан рисоладагидек шуғулланишга қодир, замонавий фикрлайдиган кишиларнинг янги тоифасини тайёрлаш ва ўқитиш - бугунги кунда ёш мустақил республикалар олдида турган асосий вазифалардан биридир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, айнан ана шундай мутахассислар замонавий бозор иқтисодиётига ўтиш ва уни халқаро бозор шарт-шароитларига мослаштиришнинг энг самарали ҳаракатлантирувчи кучларидан бири ҳисобланади. «Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон раҳбариятининг юқори малакали кадрлар, жумладан, тадбиркорлик соҳаси мутахассисларини тайёрлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари катта эътиборга сазовордир», деди Ж-Ф.Ривалайн.

**Европа Халқаро муносабатлар институтининг президенти Ирнерио Семинаторе** қайд этганидек, бугун Ўзбекистон мамлакатни саноатлаштиришга қаратилган фаол чора-тадбирлар кўрмоқда. Республика ҳукумати қатор индустриал-саноат лойиҳалари рўёбга чиқарилишини таклиф қилмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ жойлардаги яшаш шарт-шароитларини максимал даражада шаҳар андозаларига яқинлаштириш бўйича катта ва сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Бу Ўзбекистоннинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳалари тараққиёти янгиланишининг пухта ўйланган ва прагматик стратегияси кўрсаткичи ҳисобланадики, Президент Ислом Каримовнинг маърузаси бундан яққол далолатдир.

«Мамлакат катта табиий ва инсон ресурсларига эга. Иқтисодиётнинг саноатлашуви, хориж сармоялари ҳажмининг ўсиши, чет эл компаниялари учун Ўзбекистонда яратилган кенг имкониятлар – буларнинг барчаси иқтисодий барқарорлик самаралари ҳисобланадики, келажакда ҳам улар ўзининг ижобий натижаларини намоён этаверади, дея таъкидлади эксперт.

Шунингдек, И. Семинаторе Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Ўзбекистон ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштириш учун катта салоҳиятга эга эканлигини қайд этди. «Бу салоҳият ўз навбатида Ўзбекистон иқтисодиётига янгидан-янги сармояларни жалб қилишга, республиканинг узоқ муддатли иқтисодий тараққиётига кўмаклашади», деди у.

И. Семинаторенинг фикрича, 2012 йилнинг Ўзбекистонда «Мустаҳкам оила йили», деб эълон қилиниши давлатнинг оила, жамият ижтимоий тараққиёти масалаларига катта эътибор қаратаётганидан далолат беради. 2011 йили республикада иш ҳақи миқдори 20 фоиздан зиёдга, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг 26 фоиздан зиёдга ошгани, шунингдек, 2012 йилда давлат бюджети умумий харажатларининг 60 фоиздан кўпроғи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилгани далиллари буни яна бир бор тасдиқлайди.

**Бельгиялик эксперт Леон Вегнез** Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг маърузаси тараққиётнинг «ўзбек модели» мамлакат раҳбарияти томонидан изчил ва муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этилаётганидан яна бир далолат эканлигини алоҳида таъкидлади.

«Аввал бошданоқ «фалаж қилиб даволаш» деб аталадиган сиёсат қўлланишини рад этган Ўзбекистон қадам-бақадам ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира бориб, замонавий миллий саноат тараққиётига кенг кўламли капитал маблағларини йўналтиргани ва агросаноат жабҳасини модернизациялагани ҳолда ижтимоий соҳага катта миқдордаги маблағларни жалб қилди».

Унинг сўзларига қараганда, бундай давлат сиёсати ижобий натижаларни берди ва бу маърузада ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, эксперт 2011 йили Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми юқори даражада ўсгани, саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, чакана савдо айланмаси ва бошқа соҳалар ўсишининг барқарор суръатларига эришилгани диққатга сазовор жиҳат эканлигини қайд этди.

**«Италия — Ўзбекистон» савдо палатаси раиси Луиджи Иперти**нинг фикр билдиришича, «иқтисодий кўрсаткичлар шуни аниқ-равшан намоён этадики, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот барқарор йиллик ўсиши 8-10 фоиз миқдорида бўлиши ҳамда 2015 йилга бориб ЯИМ шаклланишида саноат ишлаб чиқариши улушини 28 фоизга қадар ошириш учун мустаҳкам замин яратаётганидан далолат беради».

*(Давоми 2-бетда)*

**XXI аср садоси**

*Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Бухоро давлат университетида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганиш, асар мазмун-моҳиятини ёшлар онгу шуурига сингдириш масалаларига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди. Унда Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар иштирок этди.**
- **2011 йил давомида Избоскан туманидаги корхоналар томонидан 9 миллион 672 минг АҚШ долларилик маҳсулот хорижга сотилди. Бунда «Пойтуғ текс» қўшма корхонаси жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқариш салоҳияти изчил ошириб борилмоқда. Хусусан, техник янгиланишлар туфайли 100 га яқин қўшимча иш ўринлари яратилди. Ўтган йили «Пойтуғ текс»да 10 миллиард 990 миллион сўмлик калава ип тайёрланиб, шундан 3 миллион 965 минг АҚШ долларилик қисми чет эллик буюртмачиларга етказиб берилди.**
- **Самарқанд шаҳрида республика Марказий банки ташаббуси билан «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзуида бизнес-форум ташкил этилди. Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда вилоятдаги 500 га яқин тадбиркорлик субъекти вакиллари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари қатнашди.**
- **Чортоқ туманидаги «Чортоқ ипаги» фермер хўжалиги раҳбари Воҳиджон Самадов бир гектарли майдондаги иссиқхонасини муқобил энергия манбаи — биогаз ёрдамида иситишни йўлга қўйди. Бунинг учун иккита 30 тонналик герметик цистернага чорва ўғити солиниб, анаэроб, яъни ҳавосиз муҳитда ачитиш усули билан газ ёнилғиси ҳосил қилинди. Янги технология хўжаликда табиий газ ва электр энергиясини тежаш билан бирга, иссиқхонада етиштирилаётган ноз-неъмат маҳсулотларининг таннархини анча арзонлаштириш имконини ҳам бермоқда. Яна бир қулай томони, ишлатиб бўлинган чорва ўғитидан ерни бойитишда қайта фойдаланиш мумкин.**

### ЖАҲОНДА

- **Швециянинг радиация хавфсизлиги бўйича агентлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳозирги кунда атом электр станцияларида қўриқлаш тизимининг аҳволи хусусида маъруза тайёрлади. Унда қайд этилишича, АЭСларда қўриқлаш тизими қониқарли аҳволда эмас. Қўриқлаш кучайтирилиши ва қўриқчилар курол билан таъминланиши лозим. Сабаби, 2010 йили Уппсала шаҳридаги «Фошмак» АЭСи ҳудудига АЭСлар ёпилишини талаб қилиб, норозилик намойиши уюштирган бир гуруҳ эколог-фаоллар бемалол кирган. Ўшанда экологлар ўрнида террорчилар бўлганида нима бўларди? Мана шу савол радиация хавфсизлиги бўйича агентлик ва Ички ишлар вазирлиги маъмуриятларини эҳтиёткорликка ундади.**
- **Январнинг иккинчи ҳафтасида АҚШда ишсизлиги боис нафақа сўраб маъмуриятга расмий мурожаат этганлар сони 352 минг кишини ташкил этди, дея хабар беради «Associated Press» АА мамлакат Меҳнат вазирлиги тарқатган маълумотга асосланиб. Бу кўрсаткич 2008 йил апрелдаги даражага тушган. Январнинг биринчи ҳафтасида ишсизлик нафақаси сўровчилар сони 402 минг кишини ташкил этган эди. Умуман, ўтган йилнинг декабрида АҚШда ишсизлик даражаси 8,5 фоизга тушган. Бу кейинги уч йилда ишсизлик даражаси анча пасайганини билдиради.**
- **Брюсселда бельгияликлар томонидан ўтказилаётган норозилик намойишларига қарамасдан Европа Иттифоқига аъзо мамлакат ва ҳукумат раҳбарлари йиғилишди. Бу сўнгги икки йил мобайнида инқироз туфайли юзага келаётган қарздорлик масалаларига бағишланган 17-саммитдир.**
- **Мисрнинг дам олиш масканларидан бири ҳисобланган Хургада шаҳрида 5,6 балли зилзила содир бўлди. Жабрланганлар ҳақида маълумот йўқ.**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Олмазор туман бўлими Кенгаши ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан тумандаги 119 ва 185-умумтаълим мактабларида ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбияни янада юксалтиришга бағишланган анжуман ташкил этилди.

✓ **«ШАЙХОНТОҲУР»** туманидаги 98-мактаб-интернатда «Соғлом авлод жамғармаси» шаҳар бўлими томонидан «Соғлом турмуш тарзи» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида «Оққуш кўли» операси намойиш этилади.

## ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР:

# «ЎЗБЕКИСТОН 2012 ЙИЛГА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУНОСИБ КЎРСАТКИЧЛАРИ БИЛАН КИРДИ»

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Саноат ўсиши автомашиналар, юк автомобиллари, нефт ва газ саноати учун мўлжалланган саноат асбоб-ускуналари ишлаб чиқарилишининг ортиши билан тасдиқланади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миқдори ва сифати ҳам ошди. Мамлакатда сармоявий фаоллик жараёнининг юқори даражаси кузатилмоқда – уларнинг ҳажми 10,8 миллиард АҚШ долларига етди. Банклар саноатни молиялаштиришга жиддий кўмак кўрсатишмоқда.

Буларнинг барчасига тараққиётнинг «ўзбек модели» туфайли эришилдики, унга кўра, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, қонун устуворлиги ва ислоҳотларнинг босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши каби тамойиллар асосида амалга оширилмоқда», деди Л. Иперти.

У Ўзбекистон Президентининг саноатлаштириш, инновациялар, замонавий технологиялар, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий таъминот ва бошқа масалаларга бўлган алоҳида эътиборига юқори баҳо берди. Л. Ипертининг комил ишонч билан айтишича, «Ўзбекистоннинг саноати ривожланган бошқа мамлакатлар билан замонавий ҳамкорлиги республиканинг муваффақиятли тараққиётига кўмаклашади».

Ўз навбатида, **«Ўзбекистон — Италия» ассоциациясининг раиси Рокко Абрам** «қўлга киритилган натижалар кўриб чиқилган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг бугунги кундаги ҳамда келажакдаги дастур ва режалари рўёбга чиқарилишини ўз олдига мақсад қилиб қўйганки, Президент маърузаси ҳам бундан яққол далолат беради», дея таъкидлади.

«Иқтисодий кўрсаткичлар, яъни дунёдаги энг юқори даражалардан бири сифатида тан олинган ЯИМ ўсиши, иқтисодиёт тизимларининг изчил қайта қурилиши, барча жабҳаларнинг ривожланиши, тўғридан-тўғри хориж сармояларининг узлуксиз оқими, кенг миқёсдаги лойиҳалар ва бошқа ана шундай жиҳатларнинг ўзиёқ мавжуд манзарани аниқ-равшан тасаввур этиш имконини беради», деди Р.Абрам.

Эришилган ижобий натижалар билан чекланиб қолмасдан, Ўзбекистон ҳукумати келажакка назар ташлашни афзал кўраётгани ҳақида тўхталар экан, «Ўзбекистон-Италия» ассоциациясининг раиси қуйидаги муҳим фикрни билдирди: «Мажлис натижаларидан шу маълум бўладики, 2012 йил йўналиши танлаб олинган ва диққат-эътибор марказида ҳар доимгидек Ўзбекистон халқи турибди».

«Президент маърузасида акс этган ҳаққоний танқидий фикрлар ҳам Ўзбекистонга олға интилиш, узлуксиз модернизация жараёнида бўлишга кўмаклашадиган ҳаракатлантирувчи омиллардан биридир. Танқид имконияти, айниқса унда муаммонинг ечими ҳам таклиф қилинган бўлса, сиёсий етукликнинг ажралиб турадиган белгисидир», деди у.

**«Халқаро курьер» ижтимоий-сиёсий нашри иловаларининг бош муҳаррири, сиёсатшунос Дмитрий Дроботун (Украина)** Ўзбекистон 2012 йил ибтидосига ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муносиб кўрсаткичлари билан кириб келганини баён қилди. Жаҳон иқтисодиётининг инқироздан кейинги хаста ҳолатига қарамай, Ўзбекистон ўтган йилни барқарор равишда ривожланаётган мамлакат мақомида якунлади. Ўзбекистон иқтисодиёти ўсишининг юқори суръатлари ва миллий молиявий тизимнинг барқарорлиги халқаро кредит-молия институтлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан тақдим этилган 2012 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури қўйилган вазифаларни ҳал қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қамраб олган. Иқтисодиётни босқичма-босқич эркинлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, сармояларни жалб қилиш, мамлакат транзит салоҳиятини тараққий топтиришнинг барқарор йўналиши – янгидан пайдо бўлган эмас, балки мустақил ривожланиш йиллари давомида республика раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган пухта ўйланган ва прагматик сиёсатдир.

«Ижтимоий соҳа мустақил Ўзбекистон давлатчилиги тараққиётининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилди. Сўнгги йилларда ҳукумат оилани мустаҳкамлаш, оналикни қўллаб-қувватлаш, тиббий хизматларнинг сифатини ошириш ва ундан ҳамма бирдек фойдаланишини таъминлашга, таълим сифатини юксалтириш ва уй-жой масаласини ҳал қилишга йўналтирилган давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бермоқда. Шуниси диққатга сазоворки, жорий йилда давлат бюджети харажатларининг 60 фоиздан зиёд қисмини ижтимоий соҳага йўналтириш кўзда тутилмоқда. Бу сингари ижтимоий харажатларга мамлакат келажагига киритилаётган сармоялар сифатида қараш лозим. Ўзбек халқи учун оила ҳар доим энг устувор аҳамиятга эга бўлиб келган ва, шубҳа йўқки, жамиятнинг бу институтини мустаҳкамлаш давлат ва фуқароларнинг ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан фаровонлиги юксалишига олиб боради.

**Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутати Ким Ёнг Гу** узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларни диққат билан кузатиб келаётганини таъкидлади. «Мен республика эришган ютуқларга чин дилимдан хурсандман ва Корея парламенти депутати сифатида мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш ва мустаҳкамланиш жараёнига имконим қадар кўмаклашишга интиламан. Ўзбекистон раҳбарининг маърузаси унинг узоқни кўра олишини ҳамда чуқур иқтисодий билимларини, мамлакат олдида турган вазифалар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида аниқ тасаввурга эга эканлигини яна бир бор намоён этади», деди Корея парламенти депутати.

Депутат республика Президенти томонидан «Навоий» халқаро логистика марказини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборга алоҳида урғу берди.

У, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни изчил равишда амалга оширишни давом эттиришнинг муҳимлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

**Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси собиқ спикери Ли Ман Соп** айтганидек, «сўнгги йиллар давомида Ўзбекистонда комил ишонч билан мустаҳкамланган иқтисодий ўсиш, демократия асосларининг мустаҳкамланиши ва инсонлар фаровонлигининг юксалиши тобора ёрқин кузатилмоқда». Бу жиҳатлар Ўзбекистон раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида акс этган бўлиб, спикернинг фикрича, мазкур маъруза эришилган муваффақиятларни фақатгина баҳолашга эмас, балки ривожланган, бозор иқтисодиёти амал қиладиган демократик давлат қуришнинг янги, янада каттароқ вазифаларини ҳал қилишга бағишланган.

«Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонга нафақат зиёнларни минимал даражада камайтириш, балки иқтисодий ўсишга эришиш имконини берди. Босқичма-босқич ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳ этиш ғояси нафақат Ўзбекистонда барқарор ривожланишни таъминламоқда, балки уни минтақада етакчи ўринга чиқармоқда», дея ўз фикрини якунлади суҳбатдош.

**«Жаҳон» АА**

---

**Транспорт**

## ЯНГИЧА ЖИҲОЗЛАШ САМАРАСИ

***«Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамиятининг йўловчи поездларини рейсга техник ва технологик тайёрлаш филиали янги йилни янги режалар билан бошлади.***

Темир йўл транспортидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида филиал ўз олдига қатор вазифаларни белгилаб олди. Тошкент йўловчи вагонларини таъмирлаш заводи билан ҳамкорликда замонавий услубда бир нечта вагонларга қайта ишлов беришга эришилди. Таъмирталаб вагонларнинг ички жиҳозлари ва иситиш, шунингдек, электр совутиш мосламалари ярқли ҳолга келтирилди.

Йўловчилар талаби ва эҳтиёжига мос қулай санитария тармоғи юзага келди. Вагонларда 2 каналли кабель телевидениеси кўрсатувлари намойиш қилинмоқда.

Меҳнатда юқори натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида яна қатор омилларга қўл урилди. Ишлаб чиқариш цех ва иш жойлари янги ҳамда таъмирдан чиқарилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ёнғиннинг олдини олиш ва электр токи зарбидан ҳимояланиш мақсадида тезюрар «Шарқ» поезди иситиш мосламаларининг паст вольтли қурилмаси ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга татбиқ этилди. Шу билан бир қаторда вагонларни кўтарадиган домкратлар таъмирланиб, кўтарма кранлар тубдан қайта ишланди.

**Акбар АЛИЕВ**



*Замонавий технологиялар самараси*

---

## ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 7-Ширин (Учтепа тумани), 20-Толариқ (Миробод тумани) ва 50-Минор (Юнусобод тумани) сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга сайлов бўлиб ўтди.

Илгари хабар қилинганидек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш учун 7-Ширин, 20-Толариқ ва 50-Минор сайлов комиссиялари ҳамда улар таркибида 33 та (тегишли равишда 9, 10 ва 14 та) участка сайлов комиссиялари ташкил этилди. Учта округ бўйича сайлов кунига қадар 57,6 мингдан зиёд сайловчи рўйхатга олинди.

Қайд этилган қонунга мувофиқ шаҳар сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш учун амалда бўлган барча сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлик корпусида бўшаб қолган учта ўриннинг ҳар бирига тўрттадан номзод рўйхатга олинди. Қонун таомилига кўра, рўйхатга олинган депутатликка номзодлар ҳамда сиёсий партиялар тегишли округлар бўйича аҳоли билан сайловолди учрашувларини ҳам ўтказишди.

Шаҳар сайлов комиссияси йиғилишида таъкидланганидек, бўшаб қолган ўринларга сайлов тегишли қонун талабларига мувофиқ бўлиб ўтди. Маълумки, рўйхатга олинган сайловчиларнинг 33 фоиздан зиёди сайловда иштирок этган бўлса, сайлов ўтган ҳисобланади. Бўшаб қолган ўринларга сайловда тегишли округларда истиқомат қилувчи фуқаролар ўз фаоллигини намоён этган. 7-Ширин, 20-Толариқ ва 50-Минор сайлов комиссиялари баённомаларига кўра, учта округ бўйича рўйхатга олинган сайловчиларнинг 70 фоизи сайловда қатнашган.

Депутатликка номзодларни ёқлаб берилган овозларнинг таҳлилига кўра, 7-Ширин, 20-Толариқ ва 50-Минор сайлов округлари бўйича сайловчилар ЎзХДП, ЎзМТДП ва ЎзЛиДеПнинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан кўрсатилган номзодларга кўп овоз берилган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси тегишли округ сайлов комиссияларининг бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайлов натижалари баённомаларига асосан овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзодларни Тошкент шаҳар Кенгаши депутати этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. (Рўйхатга олинган депутатлар эълон қилинмоқда).

---

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси*

*ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 44, 45, 46-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси**

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2012 йил 29 январда бўшаб қолган ўринларга бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан қуйидагилар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

| Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш ва турар жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|
| Рустамов Аваз Рахматходжаевич | 1968 йил, ЎзХДП, Учтепа тумани ҳокими, Тошкент шаҳри | 7-Ширин |
| Ташходжаев Ашрабхан Арипханович | 1962 йил, ЎзМТДП, Миробод тумани ҳокими, Тошкент шаҳри | 20-Толариқ |
| Азимджанов Шавкат Джураевич | 1969 йил, ЎзЛиДеП, Юнусобод тумани ҳокими, Тошкент шаҳри | 50-Минор |

2. Сайланган депутатларнинг рўйхати «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси О.ИНОҒОМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 30 январь*

---

**Иқтисодиёт**

## РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

***Маҳаллий хом ашё — пахтани қайта ишлаш асосида тайёрланаётган кўплаб маҳсулот турлари бугунги кунда ички бозорни таъминлаш баробарида, хориж давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Бу, албатта иқтисодиётимиз ривожида, экспорт салоҳиятимиз юксалишида муҳим ўрин тутмоқда.***

Дунёнинг етакчи фирмаларида ишлаб чиқарилган технологик линиялар билан жиҳозланган жаҳондаги энг яхши йигирув фабрикалари қаторидан ўрин олган «Uztex-Tashkent» корхонасида ишлаб чиқарилаётган ип-калава маҳсулоти халқаро талабларга мослиги билан ажралиб туради. Корхонада 100 фоиз сифатли пахта хом ашёсини қўллаган ҳолда ип ишлаб чиқарилади ва буюртмачиларга етказиб берилади.

Бугунги кунда мазкур жамоада 120 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, уларнинг малакасини ошириш мақсадида махсус курслар ташкил этилган ва бу сифатли маҳсулот тайёрлашда ўз натижасини бермоқда.

Таъкидлаш ўринлики, корхона тадбиркорлари йил сайин меҳнат унумдорлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эътибор қаратишмоқда. Бир йилда 6,5 минг тонна юқори сифатли ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур йигирув фабрикасида цехларга 31,5 мингдан ортиқ урчуқ ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида турли усулларда ип йигирилади. Маҳсулотнинг ташқи бозорда ҳам харидоргирлиги ортиб бораётганининг асосий боиси сифатнинг доимий назоратда эканлигидир. Ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар эса меҳнат унумдорлиги ортишида муҳим омиллардан саналади.

Тадбиркорлар жорий йилда имкониятларни ишга солган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтириш, экспорт ҳажмини оширишни мақсад қилишган. Янги лойиҳалар асосида олиб борилаётган изланишлар буни яққол исботлаб турибди.

## ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИ

***Бозор ва харидор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот турларини янгилаш, сифатига эътибор қаратиш буюртмачилар сафи ортишида катта роль ўйнайди.***

Четдан келтириладиган товарлар билан бемалол рақобатлаша оладиган маҳсулотлари билан ички бозорда ўрин топаётган «Ideal Nur Plast» масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиб, пластик қувурлар ҳамда полиэтилен плёнкалар тайёрланмоқда. Мазкур маҳсулотлардан бугунги кунда халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида самарали фойдаланилмоқда.

Тадбиркорлар «Шўртангаз» кимё мажмуаси билан ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, у ердан келтирилаётган хом ашё Германия ҳамда Хитой технологик линиялари асосида қайта ишланиб, рақобатбардош маҳсулот турлари тайёрланади. Цехларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган иссиқ, совуқ ва оқава сув қувурлари, шунингдек, томчилатиб суғоришда кенг қўлланиладиган қувурлар буюртмалар асосида харидорига етказилади. Улар 16 дан 800 миллиметргача бўлган диаметрда тайёрланиб, қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Мазкур маҳсулот ўрнатишга қулайлиги, енгиллиги, чиримаслиги сингари афзалликларидан ташқари 50-60 йил хизмат кўрсатиши билан ҳам аҳамиятлидир. Томчилатиб суғоришга мўлжалланган қувурларга мамлакатимиздаги кўплаб фермер хўжаликларидан буюртмалар тушмоқда.

Эндиликда янада катта диаметрдаги қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган бўлиб, бу борада тадбиркор жамоа аҳлига хориждан келтирилган юксак унумли технологик линия қўл келади. Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ҳам асосий мақсадлар сирасига киради.

## МОҲИР ЁҒОЧ ЎЙМАКОРИ

***Халқ амалий ҳунармандчилиги йўналишларидан бири саналган ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари ўзининг алоҳида жозибаси билан кўпчиликнинг эътиборини тортиши баробарида, уларда миллий қадриятларимиз ўзининг ёрқин ифодасини топади.***

Болалигидан мазкур ҳунарга меҳр қўйган Шерзод Қодирқулов тўгаракларда устозларидан сабоқ олиб, унинг сир-асрорларини мукаммал ўрганди. Натижада бугун моҳир ёғоч ўймакорлари қаторида ижод қилаётган Шерзоднинг маҳсулотлари, яъни у яратган сержило буюмлар кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Кўргазма ва кўрик-танловларда ўз ижод намуналари билан эътирофга сазовор бўлмоқда.

— Ёғоч ўймакорлиги ҳунари сир-асрорини ўрганишимда устозим Тоир ака Файзуллаевнинг хизматлари жуда катта, — дейди Шерзод Қодирқулов. — Оддий ускуналардан фойдаланиб, қунт ва сабот билан ишлашни, тарихимизни, ота-боболаримиз ҳунарига меҳр қўйишни улардан ўргандим. Ҳозирда ўзим мустақил равишда ишлаб, кўплаб маҳсулотлар яратаяпман. Асосий мақсадим мазкур йўналишда янги-янги буюмлар тайёрлаб, уларни халқимизга манзур этиш. Шунинг баробарида боболаримиз ҳунари сирларини келгуси авлодларга ҳам етказиш ниятидаман.

Шерзод ёш бўлишига қарамай, ҳунарга иштиёқи бор ўсмирларга устозлик ҳам қилмоқда. Улар билан биргаликда янги маҳсулотлар эскизларини яратиб, устозидан маслаҳатлар олмоқда. Келгусида халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этиб, миллий ҳунармандчилигимиз довруғини оламга ёйиш истагини дилига туккан моҳир уста изланишда давом этмоқда. Зеро, бу изланишлар самараси унинг муваффақиятларини таъминлаши, шубҳасиз.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

# 2012 йил – Мустаҳкам оила йили



***Инсон ўзини бахтли ҳис қилиши учун кўп нарса керак эмас, аслида. Бироқ одамзот дунёга келибдики, саодат излаб яшайди. Шу йўлда ўз ҳаётини, отамерос қадриятлару тутумларни тафтиш этади, гоҳида тузади, гоҳида бузади. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашнинг ўлчаму мезонлари ўзгарса-да, моҳияту муддао барибир оилага бориб туташади. Боиси инсон топгану бой берган барча нарса аввало унинг оиласи, улғайган муҳити ва олган тарбияси ҳосиласидир.***

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ҚЎРҒОНИ

«Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди», деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида.

Дарҳақиқат, оила ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак насллар учун бетакрор тарбия қўрғонидир. Шу боис ҳам мамлакатимизда барча хайрли ишлар аввало оилаларни мустаҳкамлаш ва ёш авлоднинг ёруғ келажагини таъминлаш учун амалга оширилмоқда. Зеро, оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир.

### ОИЛА ФАРОВОН – ЭЛ-ЮРТ ТЎКИС

Президентимиз раҳбарлигида истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб оилаларни соғломлаштириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, жамиятнинг дастлабки ва асосий бўғини мустаҳкам бўлишига эришиш – барча эзгу мақсадларнинг бош омили. Ижтимоий тарбия оиладан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оилавий муносабатларга алоҳида боб бағишланиб, оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Шу асосда Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари қабул қилинган. Уларда оила, оналик ва болалик жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши кафолатлангани, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ҳам ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари белгилангани – юртимизда оила қонунчилиги халқимизнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилганидан далолат.

Давлатимиз раҳбари 2011 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» маърузасида мамлакатимизда аҳолининг реал даромадлари 2011 йилда 23,1 фоизга ортгани, унинг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинаётганини мамнуният билан таъкидлади. Шунингдек, 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда, 64 фоиздан зиёди эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилди.

Шу рақамларнинг ўзиёқ минг-минглаб оилалар фаровонлиги ошаётганидан, боқимандалик асоратидан халос бўлган ҳамюртларимиз ўз уйини обод, дастурхонини тўкин қилиш аввало ўзига боғлиқ эканини, бунинг учун етарлича шароит ҳам, имконият ҳам борлигини англаб етаётганидан далолатдир.

Халқимизнинг онги, дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгарганининг яққол ифодасидир бу.

– Юртбошимизнинг маърузасида бу йил кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилишини ўқиб, руҳланиб кетдим, – дейди оҳангаронлик тадбиркор Отабек Абдураҳмонов. – Хизмат кўрсатиш корхонаси ташкил этдим, банкдан кредит оляпман. Бугун мамлакатимизда ҳаракат қилган барака топяпти. Мен ташкил этган корхона – оилам, фарзандларим келажагини таъминлаш учун бир восита, ишимнинг қандай ривож топиши энди ўзимга, интилишимга, яратилган кенг имкониятлардан қандай фойдаланишимга боғлиқ.

### ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ХАЗИНАСИ

«Қуш уясида кўрганини қилади». «Игна қаёққа юрса, ип ҳам шу ёққа юрар». «Сут билан кирган жон билан чиқар»... Бу ҳикматларни кимдир кеча ё бугун тўқигани йўқ, албатта. Бу халқимизнинг неча асрлик ҳаётий хулосаси, йўлу манзилдаги тўхтами, турмуш ва тафаккур тарзи ифодасидир.

Боболаримиз оққан дарё оқаверишига эришишни чин саодат санашган.

– Ўзбек оиласи кўпмингйиллик миллий шаклланиш босқичларини босиб ўтган қадриятларимиз хазинасидир, – дейди педагогика фанлари номзоди Даврон Холиқов. – Никоҳнинг муқаддаслиги, оилавий муносабатларни ота-онани улуғлаш, фарзандлар тарбияси, одоб-ахлоқ, андиша, вафо, садоқат, шарм-ҳаё, ҳалоллик, покизалик асосига қуриш фақат шарқона ҳаёт фалсафасига хос. Аждодларимиз ҳаё-иффатли, эрига ва оиласига садоқатли аёллар учун махсус байрамни нишонлашгани, «Авесто»даги ибтидоий оила қоидаларида соғлом ва покиза насл давомийлигини таъминлаш бирламчи вазифа этиб белгилангани, муқаддас динимиз асоси Қуръони каримда никоҳ-оила муносабатларига доир мукаммал тартиб-қоидалар тизими нозил этилгани бунинг далилидир.

Абу Райҳон Беруний оила барқарор бўлиши учун «эр ва хотин ўз ҳирсининг маънавий шифокори бўлиши лозим»лигини уқтирса, Абу Али ибн Сино оила бахтини севги-муҳаббатда кўради. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур фарзанду невараларига келин ё куёв танламоқни давлат юмушлари билан тенг билгани тарихдан маълум. Буларнинг барчаси аждодларимиз мамлакат тараққиёти ва эл фаровонлигига эришишни оила мустаҳкамлигини таъминлашдан бошлагани исботидир.

Халқимиз оила-никоҳ муносабатларида ҳамиша «тенг – тенги билан» қоидасига қатъий амал қилади. Бу, ҳозир айримлар талқин этаётганидек, бойликка нисбатан эмас. Бу тамойил аввало икки ёшнинг характери мувофиқлиги, оилавий муҳитлар мослиги, дидлар, урф-одатлар, эҳтиёжу манфаатлар уйғунлигидир. «Эр-хотин – қўш ҳўкиз» мақоли гарчи сал тўпироқ эшитилса-да, оила устунлари – ота-она оила мустаҳкам бўлиши учун ҳамкору ҳамжиҳат ҳаракат қилиши лозимлигини англатади. Эр-хотиннинг маънавий қарашлари ва ҳаётий мақсадлари ягона, барча муносабатларда ўзаро ҳурмат ва ишонч устун бўлган оила барқарордир. Ота-она никоҳ муқаддаслиги, оиласи олдидаги бурчу вазифаларига итоат этса, оила қўрғони янада мустаҳкам бўлади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2011 йил декабрда ўтказилган ижтимоий сўровда респондентлар (59,2 фоиз) севги-муҳаббат, қарашларнинг уйғунлиги, эр-хотин ўртасидаги самимий муносабатлар, улар таълим-тарбиясининг мутаносиблиги муваффақиятли никоҳни таъминлашда энг муҳим омиллардан саналишини таъкидлаган. Шунингдек, 58,7 фоиз иштирокчи турмуш қураётганларнинг саломатлиги бўлажак оилада мустаҳкам ва фаровон ҳаётни таъминлашда катта роль ўйнашини айтган.

Ўзбек халқи қадим-қадимдан отани оила тўрининг эгаси, барча қарорларга рухсат берувчи, бажарилишини назорат этувчи ва оилавий муносабатларни мувофиқлаштирувчи асосий шахс, деб билади. Бироқ айрим оилаларда етакчилик учун рақобат оқибатида келишмовчиликлар юз бераётгани ҳам сир эмас.

«Ер – қуёш йўлдоши, хотин – умр йўлдоши», дейди халқимиз. Бугун ҳам оила мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан оила бошлиғи ўз касбининг устаси, хўжалик юритиш ва оилани бошқаришда маҳоратли, фарзандлари учун ҳамиша юксак ибрат намунаси бўлишига боғлиқлиги тобора ойдинлашмоқда. Она эса ўз оиласи ҳурмати, шаъну ғурурини асраб-авайлаш ва юксалтиришда эрига ҳар жиҳатдан энг яқин кўмакчидир. Зеро, никоҳ муқаддас саналган оилада ҳамиша ишонч, эътиқод, масъулият туйғуси устун бўлади.

### ПАРВАРИШСИЗ ГУЛ ҚОВЖИРАЙДИ

Бугунги глобаллашув шароитида асрлар силсиласидан омон ўтиб келган, синовларда тобланган миллатимиз тафаккури маҳсули – оилавий қадриятларни ичдан емиришга ғоявий таҳдидлар кучаймоқда. Шарқона ва ғарбона қарашлар ўртасидаги тўқнашувлар кескинлашиб, онгу қалбда, ҳаётда акс-садо бермоқда.

Ўйлаб кўрайлик: бугун оила даврасида кўрилаётган баъзи хориж сериаллари қаҳрамонларига хос зинокорлик, беникоҳ бола орттириш, хотиннинг эрига қарата «менинг ҳаётимга аралашма» дейиши – бизнинг ҳаёт тарзимизга, қарашларимизга қанчалар мос?! У бизни қайси йўлга бошлайди? Бу ҳолатлар эртага ҳаётимизга кириб келмайди, деб ким кафолат беради?!.

Яқинда ўқимишли, тузуккина жойда ишлайдиган бир аёл билан суҳбатлашиб қолдим: севган инсони бошқага уйлангач, оила қуришдан кўнгли қолибди. Отаси, акаси бўлатуриб, ўзича «тўғри» йўлни топган қиз сунъий йўл билан ҳомиладор бўлибди – қиз кўрибди. Ҳозир фарзандини тарбиялаяпти. «Қизим бўйга етгач, оила қуришини ўйласам, қилмишимга афсусланаман. Қизим отасини сўраса, нима деб жавоб бераман, билмайман», дейди алам билан.

Улуғлардан бири «аёлнинг ҳар қандай хатоси учун аввало биз, эркаклар айбдормиз, жавобгармиз», деган экан. Оила мустаҳкамлиги аҳли аёлимизни қандай ҳимоя қилишимизда кўринади. Меҳр қўйиб, парвариш қилинмаган ҳар қандай гулу гиёҳ қуриб, оёқости бўлиб кетиши мумкин.

### ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ ВАТАН

Халқимизда яхши бир одат бор: уйга меҳмон келса, ўғил бола сочиқ тутиб, қўлга сув қуяди. Меҳмонлар бунга муҳтож эмас, албатта. Мақсад – шу бола маҳалла-кўйга аралашсин, тўртта одамнинг олдида ўзини тутишни ўргансин, ҳамиша унга нигоҳлар тикилиб туришини ҳис қилсин.

Маҳалладошлари имтиҳонидан ўтган фарзанд ҳаёт синовларига ҳам тайёр бўлади. Бугун мамлакатимиздаги таълим-тарбия ишларида «оила-мактаб-маҳалла» концепцияси, «Ота-оналар университети» тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Оила ва маҳалла институтлари уйғун ривожлантирилмоқда.

Олмазор тумани Бешқўрғон маҳалласидаги 768 оилада 3372 киши истиқомат қилади. Улардан 7-18 ёшлилар қарийб 700 нафарни ташкил этса, 60 ёшдан ошганлар 400 нафардан зиёддир. Маҳалла ёшлари орасида спорт билан мунтазам шуғулланаётган, хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олган, тадбиркорлик фаолияти билан машғул ёшлар талайгина. Энг муҳими, мазкур маҳалла пойтахтимиздаги оилавий ажримлар сони энг кам кузатилаётган ҳудудлардан ҳисобланади.

– Ҳар бир оиланинг аҳволидан доимий бохабармиз, ҳар қандай мурожаатни дарҳол ўрганамиз, муаммога ўша вазиятнинг ўзида ечим топишга ҳаракат қиламиз, – дейди маҳалла раиси Қобил Собиров. – Аксарият оилавий муаммолар ёшларнинг ҳали ҳаётга тўла тайёр эмаслигидан келиб чиқмоқда. Бундай пайтларда бир ҳаётий мисол ёдимга келади: шахматчи мураккаб вазиятга тушса, ундан чиқиш йўлини излайди, аммо ўйинни тўхтатмайди. Ёшларни ҳаётга тайёрлашда ота-оналар масъулиятини янада ошириш тобора долзарб вазифага айланмоқда.

Маҳалла раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилноза Саъдуллаеванинг айтишича, арзимаган муаммо туфайли ажрашиш тараддудига тушаётганлар ҳам йўқ эмас. Айрим ота-оналар фарзандини турмушидан ажратиш оқибатини яхши ўйламайди. Баъзи йигитлар ўртада фарзанд бўла туриб, талоқ айтишни, айрим келинлар «жавобини олиш»ни оддий ҳол, деб ўйлайди. Ҳолбуки, Муқаддас Китобда «талоқ айтилганда Арши аъло қаҳрдан ларзага келади», деб битилган.

– Турмуш қурганига уч ой ҳам бўлмаган келин-куёв ажрашмоқчи бўлиб келди, – дейди Дилноза Саъдуллаева. – Сабаб – келин эридан берухсат дугоналари билан шаҳар айланган. Бу куёвга ёқмаган. Қудалар ўз фарзандининг ёнини олиш билан овора. Шунда уларнинг ҳар бири билан алоҳида гаплашдик. Келинга «энди сен оилалисан, бир иш қилишдан аввал, эрингга маслаҳат солишни одат қил», дедик. Куёвга эса «келин ҳали ёш, қўл кўтариш ўрнига, унга масалани яхшилаб тушунтир, сен оила бошлиғисан, вазминроқ бўл», деб айтдик. Барака топсин, иккаласи ҳам тўғри тушунди, оила асраб қолинди.

Аҳил-иноқлик бор жойда барака бўлади. Бешқўрғон маҳалласидаги 79 ёшли Мирсолиҳ ота Исроиловнинг 13 сотихлик ҳовлисида саккиз оила – 38 киши истиқомат қилади. Маҳалла фаолларининг айтишича, уларнинг ўртасида шу пайтгача бирор марта ҳам жанжал бўлмаган.

Маҳаллада ибратли оилалар кўп. Масалан, Сойиб ота ва Мунира ая Шамсиева қарийб 40 йилдан буён тинч-тотув яшаб келмоқда. Уч ўғил ва бир қизни олий маълумотли, касб-ҳунарли, уйли-жойли қилишган. С.Шамсиев ўн олти йил олдин нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган хусусий корхона ташкил этганди. Уни бугун фарзандлари ривожлантирмоқда: ҳар куни 9-10 тонна нон, етти хил қандолат маҳсулотлари тайёрланиб, дўконларга етказиб берилмоқда.

– Бир умр шарқ педагогикасидаги «фарзандингни болалигида – султон, ўнг ва чап қўлини ажратгач – қул ўрнида кўр, вояга етгач – дўст деб бил» нақлига амал қилдим, – дейди Сойиб Шамсиев. – Ҳеч қачон ўчоқ бошига бормадим, хотинимнинг ишига аралашмадим. Уч ўғлим билан яшаймиз, қозонимиз бир, рўзғоримиз саришта. Оиламизда ҳамманинг вазифаси тайин. Болаларим мендан сир яширмайди, барчаси дарду қувончини очиқ айтади, маслаҳат сўрайди. Фарзанду неваралар камолини кўриш – катта бахт.

...Ҳа, ўз оиласида ўзини таниган инсон жамиятда ҳам мустаҳкам ўрин топади. Эзгу ишларини хонадонида амалга ошира олган одам эл-юртга ҳам наф келтира олади. Эр ёки аёл бўлсин, излаганини уйидан тополмагач, кўчага чиқиб кетади. Ўз оиласи билан фахрланган, оиласи орини асраган инсонда миллий ғурур, ирода, ўз кучига ишонч бўлади, уни ҳаётга боғлаб туради, тонгда шодон кўз очишга, тунда хотиржам ухлашга ундайди.

Авлодлар алмашган сайин оилавий муносабатлар ҳам шаклан ўзгариб, мазмунан бойиб бораверади. Бироқ ҳар қандай замон ва маконда ҳам илдизи сувдан узилмаган ниҳоллар ҳамиша куртак ёзиб, кўкка бўй чўзиб, ҳосил бераверади. Ўз қарашлари ва мезонларига эга, йўли ойдин, манзили ёруғ халқ карвонини ҳеч қандай куч чалғитолмайди. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, халқимизнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч – маънавият бор.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Учтепа тумани СИБ томонидан, 08.04.2010 йилдаги ижро ҳужжатига асосан, Учтепа туманида жойлашган 2-сонли жарима майдонида сақланаётган «Ваз-2107» русумли, д/р К291АВ73 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 287 134,32 сўм.

**Аукцион савдолари 2012 йил 6 март куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 2 март куни соат 18:00.

**II. Шунингдек, 2012 йил 21 февраль куни аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

Аукцион савдосига такроран Тошкент шаҳар, Учтепа тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 27.10.2008 йилдаги 10-0807/13984-Б, 09.10.2008 йилдаги 10-0815/10782, 06.03.2009 йилдаги 10-0906/544, 10-0906/543, 27.04.2009 йилдаги 10-0906/3095, 18.05.2009 йилдаги 10-0906/4820 ва 06.07.2009 йилдаги 10-0906/7664- ижро варақаларига асосан хатланган қарздор «1-сон заргарлик корхонаси»га тегишли Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Д-20, 46-уйда сақланаётган, «Газ-3102951» русумли, д/р 10АТ910 бўлган, 1995 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 918 004,04 сўм.

Аукцион савдосига такроран Тошкент шаҳар, Олмазор тумани СИБ томонидан, ЖИБ Юнусобод тумани судининг 23.11.2007 йилдаги 902/08-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри Олмазор тумани а/с «Олмазор» жарима майдонида сақланаётган, «Opel Vectra» русумли, д/р X532YTM бўлган, 1992 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 4 792 305,07 сўм.

Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 17 февраль куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

**«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига такроран Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёт давлат корхонасининг 19.10.2011 йилдаги 63-ум-сонли буйруғига асосан, корхона balансидаги Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида сақланаётган тикув машиналари қўйилмоқда:

1) «БНШ-6БА» русумли тикув машинаси. Бошланғич баҳоси – 8 055 000 сўм.

2) «LUCK-7000 GF» русумли елимлаш машинаси. Бошланғич баҳоси – 1 624 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 6 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 3 февраль куни соат 18:00.

Юқоридаги ускуналар 2012 йил 6 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 9 ва 13 февраль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 9 февралдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 7 февраль куни соат 18:00; 13 январдаги савдолар учун 10 февраль куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй.

«7-Автокорхона» ОАЖ маъмурияти «Д» тоифали автобус ҳайдовчиларини ишга қабул қилади. Ўртача ойлик маоши 450 000-750 000 минг сўмни ташкил этади. Шунингдек, «В», «С» тоифали, 3 йил меҳнат стажига эга ҳайдовчиларни «Д» тоифасига ўқишга ва ишлашга таклиф этамиз.

Мурожаат учун телефон: 279-95-34

Учтепа туманидаги 229-ўрта мактаб томонидан 2003 йилда Ўринбоева Комила Носировна номига берилган U № 0396449 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**





*Қишнинг кўнгилларга қувонч улашувчи гўзал домлари*

***Нью-Йоркда ўзбек классик мусиқаси — Шашмақомни оммалаштиришга йўналтирилган «Shoshmaqom Forever» фестивали бўлиб ўтди.***

## ЎЗБЕК ШАШМАҚОМИ ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТДИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги бош консуллиги, АҚШнинг Анъанавий мусиқа ва рақс маркази кўмагида ташкил этилган фестиваль доирасида АҚШдаги энг нуфузли саҳналардан бири – Карнеги Холлда ўзбекистонлик мақомчилар концерти ҳамда «XXI асрда шашмақом» деб номланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур фестиваль Нью-Йорк шаҳри маданий ҳаётида муҳим ва ёрқин ҳодисалардан бирига айланиб, шаҳар аҳолисини мусиқа соҳасида тенгсиз истеъдодларга бой бўлган Ўзбекистоннинг маданий ва тарихий мероси, ноёб санъати билан яқиндан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фестивалда хонанда ва мусиқачилар шашмақомнинг турли йўналишлари ва бастакор Турғун Алиматов асарларидан парчаларни қойилмақом қилиб ижро этишди.

Концертнинг кейинги куни «XXI асрда шашмақом» деб номланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилиб, у Ўзбекистон мусиқа санъати арбоби Турғун Алиматов (1922-2008) таваллудининг 90 йиллигига бағишланди.

Анжуманда шашмақом мусиқасининг салоҳияти, унинг ривожланиши ва АҚШда оммалашуви, XXI асрдаги истиқболлари масалалари муҳокама этилди. Хусусан, Ўзбекистон халқлари маданияти тарихида шашмақомнинг аҳамияти, Турғун Алиматовнинг ижодий ҳиссаси алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистонда Турғун Алиматов билан учрашишга муваффақ бўлганман, — дейди Дартмунд университети профессори Теодор Левин. — Бугун Нью-Йоркнинг нуфузли концерт залида унинг асарларини эшитиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман. Фестивалда ҳамшаҳарларимиз ўша сирли шашмақом мусиқасидан баҳраманд бўлиб, мароқ билан дам олишди.

**«Туркистон-пресс»**

## ТАБИИЙ БЎЁҚЛАР ЖИЛОСИ

***Индиго бўёғи одамлар томонидан қарийб 4000 йиллардан буён ишлаб чиқарилмоқда. Ўзининг ёрқинлиги ва чидамлилиги билан «қирол» деган шарафли номга сазовор бўлган индиго бўёғи Осиёнинг тропик ўрмонларида ўсадиган индигофера ўсимлигидан олинади. Ушбу бўёқдан ишлаб чиқариш саноатида унумли фойдаланилади. Кўпчилигимиз жинси шимлар ва бошқа либосларга аслида шу бўёқ ёрдамида ранг берилишини билмаймиз.***

Орол денгизи атрофидаги ҳудуд экологик муаммолар зонаси ҳисобланади. Бу ерда тупроқнинг шўрланиши кўпчилик ўсимликларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Сув балиқчилар яшайдиган шаҳарчалардан бир неча километрларга чекинган. Бу ҳудудда ёз ниҳоятда иссиқ, қиш эса жуда совуқ келади. Шундай бўлса-да, индигофера ўсимлигини етиштириш учун Оролбўйи туманларида шароит етарли. Индигофера бир вақтлар фиръавнлар либосларига ёрқинлик ва кўрк бағишлагани каби ҳозирги кунда бу ўсимлик Қорақалпоғистон Республикаси фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

ЮНЕСКО Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда Оролбўйи фермерлари учун индигофера уруғларини ишлаб чиқариш бўйича дастлабки ихтисослашган фермани ташкил этиш борасида иш олиб бормоқда.

— Заифлашган ернинг ҳар бир гектарида етиштирилган индиго ўсимлигидан 100 килограммгача бўёқ пастаси ва 35 тонна биомасса олиш мумкин. Бир килограмм индиго бўёғи Европа Иттифоқи мамлакатларида 240 евро туради. Бу ўсимлик табиий аҳвол мураккаб бўлган ушбу ҳудудда иқтисодий ва бошқа кўплаб муаммоларни ҳал этиш учун ажойиб восита бўлиши мумкин, – дейди «Туркистон-пресс» мухбирига ЮНЕСКОнинг табиий фанлар бўйича маслаҳатчиси, профессор Абдуқодир Эргашев.

Бўёқ ажратилиб, экспортга жўнатилгандан сўнг озуқа моддаларга бой бўлган ушбу ўсимлик пояси сабзавот ва бошқа экинлар етиштиришда ажойиб «яшил ўғит», қишлоқ хўжалиги моллари учун эса тўйимли озуқага айланади. Шу тариқа индигофера фермерларнинг даромади янада ортишига хизмат қилади ва ер унумдорлигининг ортишига ҳам таъсир кўрсатади.

**Манзура Бекчонова**

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА

- Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир.
- Инсон — табиатнинг олий маҳсулидир.

Бироқ, табиат яратган мўъжизалардан баҳра олмоқ учун инсон соғлом, бақувват ҳамда зукко бўлмоғи зарур.

- Соғлиқ — бойликдан аъло.
- Соғлиқ — олтиндан қиммат.
- Саломатликнинг баҳоси ҳеч қачон пасаймайди. Чунки саломатлик йўқ жойда на фароғат ва на ҳаловат бор.
- Олимлардан Ҳимматзода айтади:

— Бир касал одамни зиёрат қилиб, ҳол-аҳволини сўраш, тасалли бериб кўнглини кўтариш энг яхши ишдир. Фақат зиёрат қилганингиздан кейин унинг ёнида эзмалик қилиб кўп ўтирманг, хайрлашиб тезроқ қайтишга ҳаракат қилинг, касални тинч қўйинг, безовта қилманг.

Ҳисса:

Ақлли одам ҳар бир ишни ақл ўлчови билан ўлчаб, сўнгра бажариши керак.

- Машҳур табиблардан Ҳусайн Рамзий айтади:

— Инсон учун энг азиз ва муҳтарам бўлган нарса кучли ва соғлом бадандир. Соғлом бадан бир улуғ хазинадирки, жамият учун фақат унинг ёрдами билан хизмат қилиб, зўр манфаат етказадилар. Соғлом бадан бир сармоядирки, қалам аҳллари унга таяниб жамиятни таълим ва тарбия этиш йўлида фойдали асарлар вужудга келтирадилар. Соғлом бадан улуғ бир қувватдирки, унинг кўмаги билан музаффар армиялар азиз Ватанларини душмандан қўриқлай оладилар.

- Айтишларича, Кисронинг бир ўғли бор эди. У жуда кўп овқат ер ва ҳамиша бемор эди. Ҳеч ким унинг касаллик сабабини билмас эди. Бир табибни келтирдилар. У нуроний, яхши суратли, соф мижоз ва серилож эди. Унинг нафасидан ранжли кишилар осойиш, қадамидан мажруҳ кишилар оройиш топарди. Йигитнинг томирига қўл қўйиб, кўп ейиш туфайли овқат ҳазм бўлмасдан ҳиқичоқ ва кекириш касалига мубтало бўлганини билди ва уни даволади. Кисро:

— Унга нима бердинг? — деб сўради.

— Очлик, — деб жавоб берди табиб.

- Ривоятлардан маълум бўлишича, ҳинд ҳакимларининг умри узоқ, ақли эса ўткир бўлади. Бунинг сабаби кам емоқдандир. Улардан бири бодом мағзидан катта овқат емас ва бу ҳолни уч кунсиз такрорламас эди.
- Сиз ўз соғлиғингизни тонг ва баҳордан оладиган ҳузур-ҳаловатингизга қараб баҳоланг.
- Вақтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлиғимизга боғлиқ.
- Бир донишманд шундай дейди:

— Инсон узоқ умр кўриши мумкин. Лекин биз ўзимизнинг тийиқсизлигимиз, пала-партишлигимиз, ўз танамизга нисбатан шафқатсизлигимиз туфайли бу муддатни кўп йилларга қисқартириб юборамиз.

- Шарқ элининг донишманди, ахлоқ илмининг отаси Луқмони Ҳаким айтади:

— Барча юкни кўтардим, аммо бурчдан оғирроқ юкни кўрмадим. Барча лаззатни тотиб кўрдим, аммо саломатликдан чуқурроқ лаззатни топмадим. Энг ширин лаззат соғ-саломатликда эканини англадим.

- Одамлар узоқ яшашни хоҳлашади-ю, аммо уни эҳтиёт қилишмайди.
- Умр бизга уни сўнгги дақиқаларга қадар мардона ҳимоя қилиш шарти билан берилган.
- Саломатликни сақлаш ҳамда турли касалликларнинг олдини олишда бадантарбия ва ҳаракатдан яхши восита йўқ.

**(Давоми бор)**

## Спорт янгиликлари

## ШАХМАТ УСТАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон шахмат федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан тезкор шахмат бўйича уюштирилган турнир мамлакатимизда ушбу спорт тури ёшлар орасида жадаллик билан оммалашаётганлигини яна бир карра исботлади.***

Муросасиз ва қизиқарли курашлар остида кечган баҳслар якунида саккиз партияни ўз фойдасига ҳал эта олган Евгений Пак ғолибликни қўлга киритди.

Мусобақанинг фахрли иккинчи ва учинчи ўринлари Талғал Губайдулин ҳамда Сирожиддин Нажмиддиновга насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга турнир ташкилотчиларининг совринлари топширилди.

***Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича уюштирилган «Matchworld Cup Dubai — 2012» халқаро турнири якунланди.***

## ВАКИЛЛАРИМИЗ СОВРИНДОР БЎЛИШДИ

Унда саккиз жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мазкур мусобақада Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳамда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдкор» клуби билан бирга Россиянинг «Зенит», «Ростов» ва Украинанинг «Шахтёр» командаларининг иштирок этганлиги беллашувларнинг қизиқарли, муросасиз ўтишини таъминлади.

Дастлаб «Шахтёр» билан учрашган олимпиячиларимиз Европанинг анча кучли жамоаларидан бири билан тенгма-тенг ўйнашди. Учрашувнинг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Ғолибни аниқлаш мақсадида уюштирилган пенальтилар сериясида Вадим Абрамов шогирдлари зафар қучишди.

Финиш сари етакловчи иккинчи учрашувда олимпиячиларимиз Россиянинг «Ростов» клубини Кенжа Тўраев томонидан киритилган гол эвазига 1:0 ҳисобида мағлуб этишди.

Аммо турнир ғолиблиги олимпиячиларимизга насиб этмади. Россиянинг «Зенит» командасига қарши кечган ҳал қилувчи баҳсда ҳамюртларимиз 0:5 ҳисобида имкониятни бой беришди ва турнирда иккинчи ўринни эгаллаб кумуш медаллар билан тақдирланишди.

Ушбу турнирда омадини синаб кўрган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» жамоаси биринчи учрашувда Россиянинг «Зенит» клубига 1:2 ҳисобида енгилган бўлсада, «Ксемакс» командаси билан кечган иккинчи баҳсни 1:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал эта олди ва турнирни учинчи ўрин билан якунлади. Гол муаллифи Баҳодир Пардаев бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ушбу турнир «Лондон — 2012» йўлланмасини қўлга киритишга интилаётган олимпиячиларимиз учун ҳам, Осиё чемпионлар лигасида муваффақиятли тўп суришни ният қилган «Бунёдкор» клубига ҳам маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

***Янги 2012 йил бошланганига анчагина бўлганига қарамай, жаҳон футбол оламида ўтган мавсум сарҳисоблари давом этмоқда.***

## ҲАМЮРТИМИЗ — КУЧЛИЛАР САФИДА

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси томонидан ўтган йил якунлари бўйича ҳакамларнинг ўзига хос рейтинг жадвали эълон қилинди.

Мазкур ташкилот томонидан 26-марта ўтказилган сўровномада дунёнинг 80 дан ортиқ давлатларидан келган экспертлар иштирок этишди.

Сўровнома якунига кўра венгриялик Виктор Кашшай «Йилнинг энг яхши ҳаками» деб топилган бўлса, иккинчи ўрин ушбу танловнинг 2010 йилдаги ғолиби англиялик Ховард Уэббга насиб этди. Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳаками деб эътироф этилган ҳамюртимиз Равшан Эрматов ушбу сўровнома якунларига кўра учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **1 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ва куннинг биринчи ярмида туман тушиш эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 3-5 даража совуқ, кундузи 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **1 февралда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.ru
Буюртма Г- 141
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11417 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.55
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5